

Ушбу мақолада: ўсмирлар хулқ-атворда бўладиган ўзгаришлар, девиант хулқ-атворли ўсмирларнинг кўпайиб бораётганлиги ва ўсмирлар ўртасида характер акцентуациясини ортиб боришининг педагогик-психологик омиллари, муаммо ва долзарб масалалари тахлил этилган.

Таянч сўз ва иборалар: ўсмир, шахс, характер, хулқ-атвор, таълим-тарбия, девиант хулқ-атвор, характер акцентуацияси, психопатик бузилиш, психосоматик ўзгариш, иродавий холатлар.

ХАРАКТЕР АКЦЕНТУАЦИИ У ПОДРОСТКОВ

Халимахон Ахматхановна Ганиева -
доцент кафедры психологии,

Дильфузахан Саидолимовна Закирова -
старший преподаватель кафедры педагогики.
Ферганский государственный университет.

В данной статье :анализируются педагогические и психологические факторы, проблемы и актуальные вопросы изменения поведения подростков, увеличение числа подростков с девиантным поведением, нарастание акцентуаций характера у подростков.

Ключевые слова и фразы: Подросток, личность, характер, поведение, воспитание, девиантное поведение, акцентуации характера, психопатическое расстройство, психосоматическое изменение, волевые состояния.

THE NATURE OF ACCENTUATION IN ADOLESCENTS

Khalimakhon Akhmatkhanovna Ganieva

Associate Professor, Department of Psychology

Dilfuzakhan Saidolimovna Zakirova

Senior Lecturer, Department of Pedagogy

Ferghana State University.

This article: analyzes pedagogical and psychological factors, problems and topical issues of changing the behavior of adolescents, an increase in the number of adolescents with deviant behavior, an increase in character accentuations in adolescents.

Key words and phrases: Adolescent, personality, character, behavior, upbringing, deviant behavior, character accentuations, psychopathic disorder, psychosomatic change, volitional states.

Янги авлодни вояга етказиш, жамият талабларига жавоб берадиган, унинг ўз олдига қўйган вазифаларини бажаришга кўмаклашадиган фуқаролар шахсини шакллантириш ҳар бир тузумнинг энг олий мақсади бўлиб келган. Республикамизда босқичма-босқич инсон шахсини шакллантириш тизимининг такомиллаштириб борилаётганлиги ҳам шу фикримизнинг яна бир ёрқин далилидир.

Америкалик буюк инсоншунос тадқиқотчи Д.Карнегининг аниқлашича инсон эҳтиёжлари ичида энг муҳимларидан бири бу ҳар бир одамнинг ҳаётда муҳим ахамиятга эга эканигини хис қилиш эҳтиёжи экан.

Болаларнинг турли ёш даврига мос муносабат усулларини шакллантириш уларнинг ёш психологик хусусиятлари қонуниятларига амал қилиш ҳақида собиқ шўролар тузуми даврида ҳам саноқсиз фикрлар айтилган, беҳисоб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. Айтилган фикрлар, амалга оширилган тадқиқотларнинг илмий қимматига заррача шак келтирмаган холда, аччиқ бўлса ҳам шунини тан олиш керакки ўша даврнинг итоаткор, мўминқобил жамият аъзоларини шакллантириш ҳақидаги мафкуравий талаби бу ишларни амалиётга қўллашга тўлиқ имконият бермади.

Ҳозир замон ўзгарди, давр ўзгарди, Республикамизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий мақоми ўзгарди. Биз интеграция йўлига қадам қўйдик. Мураккаб сиёсий, иқтисодий муносабатлар жараёнида беҳато йўналиш ола биладиган, мустақил фикрлай оладиган, мустақил муносабат билдира оладиган жамият аъзоларига эҳтиёж пайдо бўлди. Республикамизда кенг кўламда ана шу талабларга жавоб бера оладиган янги жамият фуқаролари шахсини шакллантириш жараёни бошланди. “Аммо, холисона баҳо берганда, шунини тан олишимиз керакки, ўтган давр мобайнида амалга оширган тадбирларимиз бугун ҳаёт талаб қилаётган натижаларни бераётгани йўқ. Аввало шунини таъкидлаш керакки, биз эски, шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашлардан ва сарқитлардан хали бери тўлиқ қутулганимиз йўқ”.

Инсон шахсининг шаклланишида ҳар бир ёш даври ўзига хос муҳим ахамиятга эга. Лекин бу даврлар ичида алоҳида ахамиятга молик даврлар ҳам мавжудки, улардан бири ўсмирлик даври ҳисобланади. Бу даврга мансуб илмий адабиётларда “ўтиш даври”, “инқирозли давр”, “қийин давр” атамалари мавжудки, уларнинг ҳаммаси бу даврнинг хусусиятларини тўғри акс эттиради дейиш мумкин.

Ўсмирлик даврининг энг асосий хусусияти бу иккита ривожланиш: психик ва жисмоний ёки бошқача айтганда психик ва соматик жараёнлар интенсивлиги билан характерланади. Ҳар биримиз фарзандларимиз ва тарбияланувчиларимизда айнан шу даврга хос бўлган серзардалиқ, қўполлик, хаддан ташқари ўзига эътибор бериш каби яққол кўриниб турувчи, кескин намоён бўлувчи ҳулқ шакллари кўзатилганми.

Яна шу даврда тез толиқиш, жисмоний заифлик, турли касалликларга мойиллик холатларини кўзатишимиз мумкин. Буларнинг барчаси психосоматик

Ўзгаришлар ҳисобланиб, психик ва сематик жараёнлар ўзаро узвий боғлиқлигининг натижаси саналади.

Яққол намоён бўлувчи ўсмир хусусиятларининг аксарияти унинг муносабатлари тизимида кўринадиган характер ўзига хосликлари саналади. Бу ўзига хосликлар психологияда “характер акцентуацияси” деб аталувчи характернинг алоҳида шаклда намоён бўлувчи кўринишидан иборатдир.

Характер акцентуацияси масаласи кўплаб олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. М.Трамер, Э.Кречмер, К.Леонгард, О.В.Кебриков, П.Б.Ганнушкин, В.В.Ковалев, А.Е.Личко каби тадқиқотчилар бу муаммони атрофлича текширганлар. Характер акцентуацияси - норманинг психопат билан чегарадош вариантини билдирувчи характер айрим сифат ва сифатлар тўпламининг ҳаддан ташқари намоён бўлишидир. Характер акцентуацияси психопатларда уларга хос бўлган учта белгининг бир вақтда намоён бўлмаслиги билан фарқланади. Бу белгилар: вақт мобайнида характернинг стабиллиги, ҳамма вазиятларда ёппасига намоён бўлиши ва ижтимоий дезадаптация (кўника олмаслик). Характер акцентуациясида одам психопатга ўхшаб психик жароҳат етказадиган ҳамма таъсирдан ҳам ранжийвермайди, балки айрим, “нозик” ерига тегиб кетадиганларига” жавоб бериб, бошқаларига эотиборсиз қолади. Характер акцентуациясининг очик ва яширин (латент) шакллари мавжуд бўлиб, оила тарбияси хусусиятлари, ижтимоий муҳит, касбий фаолият, жисмоний саломатлик каби муҳим рол ўйновчи омиллар таъсирида осонгина бир-бирига ўтиб туриши мумкин. Характер акцентуацияси ўсмирлик даврида шаклланиб, вақт ўтиши билан силлиқланиб, компенсация қилинади. Фақат характернинг “бўш бугинига” узоқ вақт таъсир қилувчи мураккаб психоген вазиятларда ўткир аффектив реакциялар, неврозлар, хатто психопатик тараққиёт шаклланиши учун сабаб бўлиб қолиши мумкин. Характер акцентуацияси мос равишда психопатик бузилиш турлари билан чегарадош бўлганлиги учун, унинг типологияси психиатрияда атрофлича ишлаб чиқилган психопатлар классификациясига асосланади, бироқ бу классификация айна пайтда психик соғлом одам характери хусусиятларини ҳам акс эттиради. Турли классификациялар асосида характер акцентуациясининг қуйидаги асосий типлари ажратилган:

1. Циклоид - яхши ва ёмон кайфият фазаларининг турли даврларда алмашиб туриши.

2. Гипертим - доимий кўтаринки кайфият, бир йўла бир неча ишга ёпишиш тенденцияси ва фаолият чанқоқлиги билан юқори психик фаоллик, бошлаган ишни охирига етказмаслик.

3. Лабил - вазиятга қараб кайфиятнинг кескин ўзгариши.

4. Астеник - тез толиқиш, жаҳлдорлик, депрессия ва ипохондрияга мойиллик (депрессия - руҳий сиқиклик, ипохондрия - вахима).

5. Сензитив - юқори таъсирчанлик, хадиксираш, шахсий тўлақонли эмаслик хиссининг кучайганлиги.

6. Психастеник - юқори хавотирлилик, бадгумонлик, журъатсизлик, доимий шубҳа ва мулохаза, ўз-ўзини таҳлили қилишга мойиллик, ритуал ҳаракатлар ва обсессия тенденцияси.

7. Шизоид - бошқалардан ажралиш, яккаланиш, интероверсия, ҳамдардликнинг йўқлиги ва эмоционал контактлар ўрнатишнинг қийинлигида намоён бўладиган эмоционал совуқлик, мулоқот жараёнида интуициянинг етишмаслиги.

8. Эпилептоид - (баъзан шафқатсизлик элементлари билан) ғазабдан қутуриш ва қахр-хуружи кўриниши тарзида намоён бўладиган агрессиянинг тўпланиши билан дарғазаб-ғамгин кайфиятга мойиллик, жанжалкашлик, тафаккурнинг эгилувчанлиги, ғоят даражада педантизм (ўтакетган расмиятчилик).

9. Тутулиб қолувчи (параноял) - юқори шубхаланувчи ва касаллик даражасидаги аразчилик, салбий аффектларнинг собитлиги, устунликка интилиш, бошқалар фикрларини қабул қилмаслик натижасида юқори жанжалкашлик.

10. Намойишкор (истероид) - тан олинишга эҳтиёж қониқтирилмаганда “касал бўлиб олиш”, манманлик, қалтис ишларга қўл уриш билан характерланадиган, ўзига диққатни жалб қилиш учун фойдаланиладиган ёлғончилик, фантазёрлик ва муғомбирлик, субъект учун нохуш бўлган факт ва ходисаларни сиқиб чиқариш тенденцияси.

11. Дистим - тушкун кайфиятнинг устунлиги, депрессияга мойиллик, хаётнинг ғамгин ва қайғули томонларига берилиш.

12. Беқарор - атрофдагиларнинг таъсирига енгил берилиш мойиллиги, доим янги таассуротлар, даврлар қидириш, юзаки характерга эга бўлган осонгина контакт ўрнатиб олиш.

13. Конформ - бошқаларнинг фикрларига хаддан ташқари боғлиқлик ва бўйсунганлик, танқидийлик ва ташаббускорликнинг етишмаслиги, консерватизмга мойиллик.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек характер акцентуацияси ўсмирлик даврининг ажралмас белгиси. Ҳар бир ўсмир истисносиз ўзида шу хусусиятлардан бир ёки бир нечасини намоён қилади. Лекин кейинги босқичларда бу хусусиятлар силлиқланиб кетиши лозим. Фақат доимий таъсир қилувчи психоген вазиятлардагина бу хусусиятлар мустақамланиб қолиши мумкин. Бундай вазиятлар эса баъзан биз катталар, тарбиячилар, ота-оналар сабабли пайдо бўлади. Баъзан катталар психологик саводсизлик оқибатида, психик ва соматик ривожланиш қонуниятларини билмасликлари туфайли ўсмирларнинг бундай ҳолатларини тарбиясизлик, атайин қилинган одобсизлик сифатида қабул қилишади. Салбий “Мен концепция”га эга бўлган ўқитувчилар эса умуман болаларни “жиловлаб” олишни асосий мақсад қилиб олишади. Натижада характер акцентуациясининг кейинчалик психопат соҳасига ўсиб ўтишига сабабчи бўлишади.

Биз катталар ўзимизнинг эгилувчан характер хусусиятларимиз билан осонгина, руҳий зўриқишсиз болаларга мослаша оламиз. Мана шу ўсмир учун қийин “шахс мени”, “жинсий” шаклланиш даврида ўзимизнинг сабр тоқатимиз, меҳрибонлигимиз билан уларга руҳий зўриқишдан бўшашишга ёрдам бера оламиз, улардаги табиий жинсий ва агрессив майлларни сублимация қилиш йўлларини кўрсата оламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Xalimaxon G'anieva, Tojimatov Jamshidbek //CHARACTER ACTENTATION IN ADOLESCENTS// International Journal for Innovative Engineering and Management Research Volume 10, Issue 04, Pages: 153-157.

2. H. Ganieva //SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL MECHANISMS OF SELF-CONSCIOUSNESS OF STUDENTS// EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH Vol. 2 No. 4 (2021) 190-193 page

3. Ғаниева Халимахон Ахматхоновна //The Study Of Socio-Psychological Problem Of Loneliness// Turkish Journal of Computer and Mathematics education Vol.12 No.12 (2021), 2580-2590

4. Ғаниева Халимахон Ахматхоновна //Талаба ёшларнинг ўз-ўзини англашни ижтимоий психологик механизмлари// ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ. 2021 йил 1/3, 46-49 бетлар.

5. G'aniyeva Xalimaxon Akhmatxonovna //PSYCHOLOGICAL FUNDAMENTALS OF THE SOCIAL ENVIRONMENT IN PERSONAL DEVELOPMENT// EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH Volume1 Issue02, May 2021. 717-724 page

6. Ganieva Khalimakhon Akhmatkhonovna //PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF GENIOLOGY ASSIGNMENT IN YOUNG PEOPLE// GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) Vol. 9, Issue 12, Dec.(2021) 335-337 page

7. Ganieva Khalimakhon Akhmatkhonovna, Tojimatov Jamshid //PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FACTORS OF SUICIDAL BEHAVIOR OF MINORS// GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) Vol. 9, Issue 12, Dec.(2021) 1053-1058 page

8. Ғаниева Халимахон Ахматхоновна, Ж.Тожимаматов //Ёшлар – янги Ўзбекистон, янги Ренессанс бунёдкорлари// “Ёшлар – янги Ўзбекистон, янги ренессанс бунёдкорлари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари 2021 йил, 321-323бетлар

9. Parpieva Odinaxon Rakhmanovna //Nutrition and diet in breast cancer// Texas Journal of Medical Science. Vol. 7. 04-2022. 27-30 page.

10. O.R.Parpiyeva, Ostanaqulov A.D //SCHIZOPHRENIA DISEASE// Международный научно-практический журнал “Теория и практика современной науки” Выпуск №6 (48) – 2019. 18-21 page
11. O.R Parpiyeva, Ostanaqulov A.D //Health theory// Международный научно-практический журнал “Форум молодых ученых”. Вып №6 (34) 2019. 26-29 page
12. Odinaxon Raxmanovna Parpiyeva, Eleonora Topvoldievna Mirzajonova // The role of psycho-oncology in the treatment of cancer patients// Texas Journal of Medical Science. Vol. 9. 06-2022. 14-17 page.
13. Eleonora Topvoldievna Mirzajonova, Odinaxon Raxmanovna Parpiyeva //Modern Special Preschool Education: Problems and Solutions// Journal of Pedagogical Inventions and Practices. Vol. 9. 06-2022. 100-106 page.
14. Mirzajonova, Eleonora, and Sergey Klselev. «MOTOR SEQUENCING TRAINING HAS A POSITIVE EFFECT ON SENSORIMOTOR FUNCTIONS IN PRESCHOOL CHILDREN» *Psychophysiology* 57 (2020): S71-S71.
15. G‘aniyeva Xalimaxon Axmatxonovna, Tojimamatov Jamshidbek Iqboljon o‘g‘li // TALABA YOSHLARNING OILADA FARZAND TARBIYASI HAQIDAGI ZAMONAVIY TUSHUNCHALARINING PSIXOLOGIK TAHLILI// O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 2022 y 12-SON. 615-621 betlar.
16. Khalimakhon Akhmadkhonovna Ganieva //PSYCHOPHYSIOLOGY OF ADDICTION OF NERVOUS PROCESSES AND RAPIDITY OF RECYCLING OF INFORMATION IN YOUTH// O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 2022 y 12-SON. 622-628 betlar.